



ЎЗБЕКИСТОН ОҶОҶИ

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИ ВА БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

Мухтарам дўстлар!
Мамлакатимиз олдида турган эзгу максادلари амалга ошириш, кўптармоқли иқтисодий таъминлаш, унинг экспорт салоҳиятини юксалтириш, эл-юртимиз фаровонлигини ошириш йўлида қўлга киритаётган ютуқ ва марраларимиз бarchамизни албатта қувонтиради ва эртанги кунга бўлган ишончимизни янада кучайтиради.

Шулар қаторида пахтачилик соҳасида жорий йилда 3 миллион 350 минг тоннадан зиёд юксак хирмон бунёд этиб, катта меҳнат галабасига эришганимиз, ҳеч шубҳасиз, ҳаммамизга чуқур мамнуният етказди.

Бу галабанинг осонлик билан эмас, ўта оғир шароитда, машаққатли меҳнат ва фидойилик ҳисобидан қўлга киритилгани унинг моҳияти ва аҳамиятини, қадр-қимматини янада оширади ва бarchамизни руҳлантиради.

Бу ҳақда гапирганда, айтиш керакки, ўтган йил кузда — янги мавсумга тайёргарлик пайтида бошланган ёгингарчилик, қорли ва аёзли кунларнинг февраль ойига қадр қўзилиб кетгани, бунинг натижасида ерларнинг шўрини ювиш, экишга тайёрлаш билан боғлиқ қийинчиликлар юзага келгани, ёз ойларида эса ҳаво ҳароратининг кескин даражада юқори бўлгани, турли қишлоқ хўжалиги зараркунандалари ва касалликлар кўпайгани деҳқонларимиз учун жиддий ташвиш ва муаммолар туғдирмасдан қолмади.

Буларнинг бarchаси дала меҳнаткашларидан ҳақиқатан ҳам катта маддид, мустаҳкам ирода ва қатъиятни талаб қилди ва мўл ҳосил яратиш йўлида бутун имконият, бор куч-ғайратни сафарбар қилишга тўри келди.

Мана шундай мураккаб бир шароитда эришган ютуқларимиз, яъни мамлакатимиз бўйича пахта ҳосилдорлиги ўртача 26,5 центнерни ташкил этиб, 5 йиллик ўртача кўрсаткичга нисбатан 1,6 центнерга ошгани, етиштирилган ҳосилнинг ёгин-сочинли кунларга қолдирмасдан, гоёт қисқа муддатда — 35 иш кунида йиғиб-териб олингани, унинг 90 фоизи юксак сифат билан юқори сортларга топширилгани ҳар қайси деҳқон, ҳар қайси фермер, ҳар қайси мутахассисдан ҳақиқий матонат ва жасорат намунасини, уюшқоқлик ва сафарбарлик кўрсатишни талаб қилганини ҳаммамиз яхши тушунаемиз.

Бугунги имкониятдан фойдаланиб, сиз, азиз пахтакорларимизнинг ҳар бирингизни бағримга босиб, ўз зиммангизга олган шартнома мажбуриятларини шараф билан адо этганингиз билан ҳам қалбимдан табриқлашни ўзим учун ҳам қарз, ҳам фарз, деб биламан.

Қадри юртошлар!
Бугун, мана шу қувончли айёмда пахта тайёрлаш бўйича бошқаларга ўрнатилган ва намуна бўлиб, мамлакатимизнинг улкан хирмониغا муносиб ҳисса қўшган вилоят ва туманлар, фермер хўжалиқларининг номларини ҳурмат билан тилга олишимиз ўринлидир.

Бу ҳақда сўз юритганда, Қорақалпоғистон Республикаси, Андижон, Навоий, Бухоро, Самарқанд вилоятларининг пахтакорлари биринчилардан бўлиб юксак маррага етиб келганлари, гектаридан ўртача 30-35 центнердан ҳосил олишга эришганларини алоҳида таъкидлаш лозим.

Амударё, Кегейли, Чимбой, Пахтаобод, Шахрихон, Мингбулоқ, Олтинкўл, Поп, Дўстлик, Оқолтин, Бўка, Бувайда, Ўзбекистон, Навбахор, Вобкент, Нарпай, Иштихон, Шеробод, Косон, Гурлан туманларида ҳосилдорлик ўртача 35-40 центнерга етгани айниқса эътиборлидир.

Беруний туманидаги «Ақром», Амударё туманидаги «Ғайрат», Шахрихон туманидаги «Азиз», Пешку туманидаги «Фаттоев», Навбахор туманидаги «Диёрбек Сулаймонов», Каттақўрғон туманидаги «Ҳосил», Оқолтин туманидаги «Нурафшон орзу», Данғара туманидаги «Ёқубжон Дадамирза», Хонқа туманидаги «Исмоил ота» фермер хўжалиқларининг гектаридан 45-50 центнерга етказиб ҳосил олишга эришгани фермерлик ҳаракатининг имкониятлари нақадар катта эканини яна бир бор намоян этиб, десам, ўйлайманки, сизлар ҳам бу фикрга қўшиласиз.

Ана шундай ўта оғир, шу билан бирга, шарафли меҳнат эвазига етиштирилган мўл ҳосил мамлакатимизнинг қайта ишлаш корхоналарини юқори сифатли хомашё билан таъминлаши ва ундан пахта толаси, ип-калага, текстиль маҳсулотлари, ёғ, совун, кунжара каби 25 дан зиёд турдаги маҳсулот олинишини, пахта толасини экспорт қилиш ҳисобидан келадиган валюта маблағларини ўзимизга тасаввур қиладиган бўлсак, деҳқонларимизнинг қадоқ қўллари билан яратилган бу юксак хирмоннинг нақадар бебаҳо бойлик эканини катта миннатдорлик билан қайд этиш албатта ўринли бўлади.

Бу йилги ҳосилнинг асосий омил ва мезонлари ҳақида гапирганда, авваламбор, ишни тўғри ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги соҳасини чуқур ислоҳ қилиш ва уни самарали бошқаришни замонавий даражага кўтариш, далада ишлаётган инсонларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш бу борада энг муҳим аҳамият касб этаётганини таъкидлаш лозим.

Қўлга киритилган бу ютуқ замирида яна бир асосий мезон сифатида тараққий топган давлатлар тажрибасида ўзини ҳар томонлама оқлаган фермерлик ҳаракатига ўтиш, бу соҳанинг ривожини учун бarchа ҳуқуқий, ташкилий ва молиявий шарт-шароитларни яратиб бериш бўйича амалга оширган катта-катта ишларимиз мужассам эканини, ўйлайманки, бarchамиз яхши тушунаемиз.

Шулар қаторида яна бир муҳим омил борки, бу қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларининг ўз меҳнатидан манфаатдорлиги, уларнинг ерга, мулкка, ўзи ишлаб чиқараётган маҳсулотга эгаллик ҳиссиёти тобора кучайиб, онгу тафаккури, дунёқарашини юксалиб бораётгани билан боғлиқ, десак, муболага бўлмайди.

Ҳурматли дўстлар!
Бarchамизга аёнки, халқимизнинг «Сен ерни боқсанг — ер сени боқадим», деган ҳикматли гапида чуқур маъно бор ва бу ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Биз бундан беш йил олдин бошлаган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш дастури доирасида ўтган давр мобайнида давлат бюджетидан 800 миллиард сўм, жумладан, шу йилнинг ўзиде 210 миллиард сўм маблағ сарфлаб, 1 миллион 200 минг гектардан ортиқ экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланиши ҳосилдорлик даражасини оширишга салмоқли ҳисса бўлиб қўшилгани ҳақида ҳар қанча гапирсак арзийди, албатта.

Миқёси ва аҳамиятини тасаввур қилишнинг ўзи қийин бўлган бу ишларимиз нафақат тупроқ унумдорлиги ва ҳосилдорликни кўтариш, умуман олганда, табиатиимизни, атроф-муҳитини яхшилаш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашдек устувор вазифаларни амалга оширишда самарали замин бўлмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шу билан бирга, жорий мавсумда селекция масаласига, ҳар қайси ҳудуднинг иқлим ва тупроқ шароитига мос бўлган янги навларни танлаб олишга алоҳида эътибор қаратилгани, ғўза парварлишида замонавий илм-фан ютуқлари, илгор агротехнологиялар, турли касалликларга қарши биологик кураш усуллари кенг жорий этилгани, энг муҳими, дефолиациянинг ўз вақтида ва сифатли ўтказилгани эришилган ютуқни таъминлашда алоҳида ўрин тутганини қайд этиш лозим.

Юқорида зикр этилган ана шундай тадбир ва ислохотларни амалга оширишда ўз ҳиссасини қўшган бarchа олим ва агрономлар, иқтисодчилар, турли соҳа мутахассислари миннатдорлик билдирган ҳолда, бу борада ҳали қиладиган ишларимиз кўп, десак, бу ҳам тўғри бўлади.

Аввало, қўлга киритган марраларимизни янада мустаҳкамлаш, келгуси йил ҳосили ҳақида, жумладан, янги мавсумга тайёргарлик кўриш, экин майдонларини сифатли шудгорлаш, ирригация тармоқларини тартибга келтириш каби масалалар устида ўйлашимиз табиий, албатта.

Бу борада фермерлик ҳаракатининг самарадорлигини янада ошириш, уни замон талаб қилаётган янги, юксак босқичга кўтариш, бу соҳа олдида турган муаммоларни ҳал қилиш энг муҳим вазифаларимиз қаторига кирди.

Айниқса, фермер хўжалиқларининг илгор хорижий агротехнологиялар, илм-фан ютуқларини ҳар томонлама пухта ўзлаштириши, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун қўшимча имкониятлар яратиш, ёшларни фермерлик ишига кенг жалб этиш мақсадида олий ўқув юртлари, касб-хунар коллежлари билан ҳамкорлик алоқаларини кучайтириш, фермерларимизнинг касб маҳоратини, хўжалик юритиш, ташкилотчилик салоҳиятини ошириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлиши зарур.

Азиз ва мухтарам юртошлар!
Мана шундай шуқуҳли дамларда биздан марҳаматини аямасдан, ўз паноҳида асраб келаётгани, доимо йўлимизни очиб бераётгани учун Яратганимизга шукроналар айтаемиз.

Барчангизни бугунги юксак меҳнат галабаси билан яна бир бор табриқлаб, сизларга сийҳат-саломатлик, хонадонларингизга тинчлик-хотиржамлик, файзу барака тилайман.

Ҳеч қачон кам бўлманг, ҳалол меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти



УЛКАН ЗАҒФАР МУБОРАК БЎЛСИН!

Мамлакатимиз пахтакорлари улкан меҳнат зафарини қўлга киритдилар — 3 миллион 350 минг тоннадан ортиқ юқори сифатли пахта ҳосили йиғиб олинди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2012 йил 19 октябрда вазирлар маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан Республика ҳукуматининг 2012 йил 19 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2012 йилги иқтисодий дастурнинг энг муҳим устувор вазифаларига мувофиқ жорий йилнинг 9 ойида Республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш яқунларини муҳокама қилишга бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиса республикани ривожлантиришнинг белгиланган макроиқтисодий кўрсаткичларини таъминлаш, мамлакат иқтисодийнинг рақобатбардорлигини, энг аввало, таркибий қайта ўзгартиришларни чуқурлаштириш ва иқтисодийни диверсификациялаш, ишлаб чиқаришларни модернизациялаш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш бўйича инвестиция жараёнларини тубдан кенгайтириш, шунингдек, транспорт ва муҳандислик-коммуникация инфратузилмасини жадал ривожлантириш, аҳоли бандлигини, ҳаёт ва турмуш даражасини ошириш ҳисобига ўстириш бўйича ишларнинг натижалари ҳар томонлама қўриб чиқилиши ва чуқур таҳлил қилинди.

(Давоми 3-бетда.)

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ

Ҳимоясини таъминлаш — муҳим вазифа

ЎзХДП «ФАОЛ АЁЛЛАР» ҚАНОТИ ЎЗ АТРОФИГА 150 МИНГ НАФАРДАН ОРТИҚ ХОТИН-ҚИЗЛАРНИ БИРЛАШТИРГАН. УЛАРНИНГ СИЁСИЙ-ҲУҚУҚИЙ БИЛИМИ ВА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚАТОР ДАВРА СУҲБАТЛАРИ ҲАМДА АМАЛИЙ СЕМИНАРЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛАЯПТИ.

Шундай тадбирлардан бири Ҳамза туманида ташкил этилди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, туман партия кенгаши ва «Фаол аёллар» қаноти фаоллари, маҳалла фуқаролар йиғинлари вакиллари ва ёшлар инструкторлари иштирок этиди.

(Давоми 2-бетда.)



Сўз — ЎзХДП фракцияси аъзоларига

ЧИҚИНДИ — КОНИ ЗАРАР

қайта ишланса, катта бойлик

БУГУНГИ КУНДА ДУНЁ МИҚЁСИДА ЧИҚИНДИЛАР МУАММОСИ ЭНГ ДОЛЗАРБ ЭКОЛОГИК МАСАЛАЛАРДАН БИРИГА АЙЛАНИБ БОРМОҚДА. ТАҲЛИЛЛАР КЎРСАТМОҚДАКИ, СЎНГГИ ЙИЛЛАРДА МАИШИЙ ВА САНОАТ ЧИҚИНДИЛАРИ ЙИЛДАН ЙИЛГА КЎПАЙИБ БОРАЯПТИ. АЙНИҚСА, XX АСРНИНГ ИККИНЧИ ЯРМИДАН БОШЛАБ МАИШИЙ ЧИҚИНДИЛАР ҲАЖМИНИНГ ЎСИШИ ЭКОЛОГИК БАРҚАРОРЛИККА ЖУДА КАТТА САЛБИЙ ТАЪСИР КЎРСАТА БОШЛАДИ.

зани, жун, ипак, чарм-атторлик буюмларининг 34 фоизини турли чиқиндиларни қайта ишлашдан олишади...

сий вазифаси чиқиндиларнинг фуқаролар ҳаётига ва соғлиғига, атроф-муҳитга зарарли таъсирининг олдини олиш ҳамда чиқиндилар ҳосил бўлишини камайтиришдан иборатдир.

латлари ишлаб чиқариш чиқиндиларининг бугунги кундаги ҳолати юзасидан мониторинг ишларини амалга оширишга оид меъёр билан кенгайтириш зарур деб ҳисобланмоқда.

Дунёнинг деярли барча мамлакатларида қаттиқ маиший чиқиндилар аҳоли жон бошига ҳар йили 1 фоизга ошмоқда. Ҳозирги кунда чиқиндиларнинг 800 дан ортиқ тури қайд этилган бўлиб, улар сонининг келгусида янада ортиши башорат қилинмоқда.

«Ўзбекистонда барқарор тоза ишлаб чиқариш Дастурини ишлаб чиқиш ва тоза ишлаб чиқаришни тадбиқ этиш» ҳамда «Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракат режаси» амалга оширилди.

Қонун лойиҳасида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш борасида аниқ ваколатли давлат органини белгилаш кўзда тутилмоқда.

Шунингдек, чиқиндиларни тўплаш ва қайта ишлаш соҳасининг қонунда белгиланган молиявий манбалари қаторига ҳорижий инвестицияларни ҳам қўшиш тақлиф этиляпти.

Таҳлилларга кўра, сўнги йилларда республикамизда йилга 100 миллион тоннадан ортиқ саноат чиқиндиси (унинг 14 фоизи токсик чиқиндилар тоифасига мансуб), 35 миллион тоннага яқин маиший чиқинди ҳосил бўлади. Чиқиндиҳоналар ва чиқинди сақлаш омборхоналарида 2 миллиард тоннага яқин саноат, қурилиш ва маиший чиқинди сақланаётгани ҳамда улар 12 минг гектар майдонни эгаллаб турганини инобатга олсак, чиқиндиларнинг салбий таъсирини тасаввур этиш қийин эмас.

Мазкур ҳужжат чиқиндилар бўйича муаммоларни ҳал этишда да амалга ошириладиган ишларнинг стратегия йўналиши ва мувофиқлаштиришнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Қонун лойиҳасида чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш борасида аниқ ваколатли давлат органини белгилаш кўзда тутилмоқда.

Хусусан, мамлакатимизда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, аҳоли саломатлигини ҳимоялаш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва экологик хавфсизликни таъминлашга йўналтирилган ислохотлар янада изчил давом этиши, чиқиндилар бўйича муаммоларни ҳал этишда амалга ошириладиган ишларнинг ҳуқуқий асослари мустаҳкамлашни партиямиз элқоридан мўҳим аҳамиятга эгадир.

Айтиш жоизки, атроф-муҳитни ишлаб чиқариш ва истеъмол чиқиндиларидан муҳофаза қилиш табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ҳам-

да экологик тоза технологияларни амалиётга тадбиқ этиш муаммолари билан узвий боғлиқдир. Кўп асрлар давомида чиқиндиларни нотўғри бошқариш табиий ресурсларнинг ўзгаришига, табиатнинг қутилимаган ўзгаришларига сабаб бўлмоқда.

Ҳозирда мазкур қонун лойиҳасини янада такомиллаштириш ишлари олиб борилмоқда.

«Ўзбекистон Республикасида чиқиндиларни бошқариш бўйича Миллий стратегия ва Ҳаракат режаси» амалга оширилди.

Статистик маълумотларга кўра, Японияда резина ва кабели буюмларининг 34 фоизи, шунингдек, уларнинг 43 фоизи, қоғоз ва картоннинг 54 фоизи чиқиндини қайта ишлаш эвазига олинган.

Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг чиқиндилар билан боғлиқ ишларни амалга ошириш соҳасидаги вако-

латлари билан боғлиқ муаммоларни самарали ҳал этиш имконини кенгайтириш. Чунки хотин-қизлар бу борада ҳаётий тақлифларни илгари суради. Шу боис, партиямиз тизимида хотин-қизлар фаоллигини оширишга қаратилган тадбирлар асосида меҳнат қилувчи хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби мўҳим вазифалар белгиланган.

ЎзХДП «Фаол аёллар» қаноти



Муродбек ЗИЁЕ олган суратлар.

ХОТИН-ҚИЗЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАНФААТЛАРИ

ҲИМОЯСИНИ ТАЪМИНЛАШ — МУҲИМ ВАЗИФА

Давлат ва жамият бошқаруви демократлаштиришда хотин-қизларнинг иштирокини кучайтириш мўҳим ўрин тутди. Партиямизнинг 2011-2014 йилларга мўлжалланган Ҳаракат дастурида хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, касаначилик асосида меҳнат қилувчи хотин-қизларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш каби мўҳим вазифалар белгиланган.

Сўзга чиққанлар назарий ёки умумий гаплардан қочиб, ҳаётий мисоллар асосида ўтади-ган мулоқотлар одамларга тушунарли ва фойдали бўлишини алоҳида таъкидлашди. Хотин-қизлар ҳуқуқи ва манфаатини ҳимоя қилиш учун аввало уларни ташвишга солаётган муаммоларни яхши билишимиз ва уларнинг ечимини бўйича аниқ тақлифга эга бўлишимиз кераклигига эътибор қаратилди.

Тадбир якунида «Фаол аёллар» қаноти етакчилари ва Ҳамза туман партия кенгаши ҳамкорлигида туманда хотин-қизларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, ёш оилаларнинг манфаатини ҳимоя қилиш, аёлларнинг бандлигини таъминлаш билан боғлиқ ишларни такомиллаштириш бўйича тақлиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Гулурух ОДАШБОЕВА, «Ўзбекистон овози» мухбири.

Матбуот анжумани

ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ ШАКЛЛАНИШИДА

оммавий ахборот воситалари ролини мустаҳкамлаш мўҳим аҳамиятга эга

МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИ, МИЛЛИЙ МАТБУОТ МАРКАЗИ ШУ МАВЗУДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗДИ. УНДА МАТБУОТ ВА АХБОРОТ АГЕНТЛИГИНИНГ МАСЪУЛ ХОДИМЛАРИ ВА ЖУРНАЛИСТЛАР ИШТИРОК ЭТДИ.

Анжуманда мамлакатимизда амалга ошириладиган демократик ислохотларнинг бош мақсади кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришга қаратилгани, бу жараёнда оммавий ахборот воситалари фаолиятини кучайтириш мўҳим ўрин тутгани таъкидланди. Жамиятда ижтимоий-сиёсий жараёнлар жаддалашуви, фуқаролик позицияси шаклланишида ОАВнинг ўрни ва аҳамиятини мустаҳкамлаш борасидаги ишларга эътибор қаратилди.

— Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари сони жадал ўсиб бормоқда, — деди **Матбуот ва ахборот агентлиги Бош директори ўринбосари Рўздат САФАЕВ**. — Ҳозирда 1292 та оммавий ахборот воситаси фаолият кўрсатаётган бўлиб, уларнинг 60 фоизини нодавлат нашрлар ва телерадиоканаллар ташкил этади. Жорий йилнинг 1 октябрь ҳолатига кўра, 190 дан зиёд веб-сайт оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтган.

Кучли фуқаролик жамиятини шакллантиришда ОАВнинг ролини ошириш мақсадида 2012-2016 йилларда босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларининг иқтисодий мустақиллиги ҳамда молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, модернизация қилиш ва ривожлантириш бўйича лойиҳа ҳамда дастурларни қўллаб-қувватлаш комплекс чоралари ишлаб чиқилди. Унинг самарали амалга оширилиши

Депутатлик гуруҳлари — электорат манфаати ҳимоячиси

ФАОЛИЯТИМИЗДА ИЗЧИЛЛИК БЎЛСА

ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги иштирокимиз кенгайди

БУГУН ҲАР БИР СИЁСИЙ ПАРТИЯ МАМЛАКАТИМИЗДА КЕЧАЁТГАН ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ЖАРАЁНЛАРДА ФАОЛ ИШТИРОК ЭТИШИ, АМАЛИЙ НАТИЖА БЕРАДИГАН АНИҚ ИШЛАР БИЛАН ШУҒУЛЛАНИШНИ ҲАЁТНИНГ ЎЗИ ТАЛАБ ЭТМОҚДА. ПАРТИЯМИЗНИНГ 2011-2014 ЙИЛЛАРГА МЎЛЖАЛЛАНГАН ҲАРАКАТ ДАСТУРИДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ҲАР БИР ҲУДУД МИҚЁСИДА БАЖАРИШИ ЛОЗИМ БЎЛГАН ВАЗИФАЛАР АНИҚ БЕЛГИЛАНГАН. УЛАРНИНГ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШДА ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА ДЕПУТАТЛИК ГУРУҲЛАРИНИНГ ФАОЛЛИГИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

— Хусусан, ўтган йили касаначиликнинг барча шакли бўйича **828 та** иш ўрни яратилган бўлса, жорий йилнинг **9 ойи мобайнида** бу кўрсаткич **982 та** ни ташкил этди.

нинг барқарор эмаслиги, таълим муассасалари битирувчилари билан тузилаётган уч томонлама шартнома шартларининг тўлиқ бажарилмаслиги ҳолатлари келажақда жиддий муаммолар келтириб чиқариши мумкин. Шунинг учун ҳалқ депутатлари Денов туман Кенгашига ЎзХДПдан сайланган 14 нафар депутат бу масала бўйича доимий равишда иш олиб бормоқда.

Ҳаракат дастурида ЎзХДП Сурхондарё вилоят Денов туман кенгаши ва ҳалқ депутатлари туман кенгашидаги депутатлик гуруҳи зиммасига 2012 йилда саноат корхоналарида махсулот таннархини 10-15 фоизга пасайтириш борасида олиб борилаётган ишлар бўйича мониторинг олиб бориш вазифаси юклатилган эди. Йил бошида режа белгилаб олинди, ишчи гуруҳи тузилди. Унда ҳар бир партия фаоли, депутатга аниқ вазифалар белгиланди. Ишчи гуруҳи жорий йилнинг биринчи ярмида бу борада назорат-таҳлил ишларини олиб борди. Мониторинг натижалари умумлаштирилиб, депутатлик гуруҳи томонидан масала туман Кенгаши сессияси муҳокамасига киритилди.

Партиямиз дастурида аҳоли бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шу боис, депутатлик гуруҳи саноат корхоналари фаолиятини ўрганиш чоғида янги иш ўринлари яратиш имкониятлари ва бу борада олиб борилаётган ишларни ҳам таҳлилий ўрганди.

Худудларни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиш орқали электорат манфаатини самарали ҳимоя қилиш мумкин. Шунинг учун маҳаллий партия ташкилотлари, депутатлик гуруҳлари фаолиятини кучайтириш долзарб вазифа ҳисобланади.

Депутатлик гуруҳи ташаббуси билан ўтган йили ҳалқ депутатлари Денов туман кенгаши сессиясида «Қишлоқ жойларда уй-жой қурилиши кўламини кенгайтиришга оид кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг тукилотлар билан бирга ўтказилаётган меҳнат ярмаркаларининг ўрни катта бўлмоқда. Бир мисол. Яқинда тумандаги маданият ва истироҳат буюмида ўтказилган меҳнат ярмаркасида 200 нафардан ортиқ ёшлар иш билан таъминланди. Қувонарлиси, уларнинг аксариятини касб-хунар коллежлари битирувчилари ташкил этади.

— Янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури ижроси ўрганилганда туманимизда мазкур йўналишда қўллаб-қувватлаш маъмули бўлди, — дейди **ҳалқ депутатлари туман Кенгашидаги ЎзХДП депутатлик гуруҳи аъзоси Абдуолим БҮРИЕВ**.

Туман партия кенгаши ва депутатлик гуруҳининг таҳлиллари кўрсатмоқдаки, ёшларни иш билан таъминлаш масалаларида ечимини кутаётган айрим муаммолар ҳам йўқ эмас. Хусусан, иш ўринлари-

Нурмали ОРИПОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири.

— Электорат манфаати би-

(Ўз мухбирими).

